

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2020 йил  
5 сентябрь

ШАНБА  
№ 59 (13320)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Чиноз туманида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида истиқболли лойиҳалар асосида кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилапти.



# Экспортнинг ортаси бор

"Pronto textile group" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонада катталар ва болалар учун турли хил кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. 2018 йилда мазкур корхона учун тумандаги Бўш бино сотиб олинди, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кор-

хона учун Япония, Туркия ва Хитойдан замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур техника воситалари келтирилиб, ўтган йилнинг август ойида ишга туширилди. Эътиборга молик жиҳати, бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг барчаси Россия ва Европа мамлакатлари

га экспорт қилинмоқда. Хусусан, бир йилда ўртача 4 млн. долларлик маҳсулот экспортга жўнатилди. Ҳозир корхонада карантин талабларига риоя қилган ҳолда 400 дан ортиқ ишчи меҳнат қилапти. Улар учун барча қулайликлар яратилган, маошлари вақтида берилмоқда.

Дарвоқе, корхона тўлиқ қувватда ишга тушса, иш ўрни 1 минг 200 тага етказилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ  
/Тошкент ҳақиқати/  
Мансур НАХАЛОВ  
олган суратлар



## Жараён

### Олий таълим: ИМТИҲОНЛАР қандай ўтмоқда?

Бугун барчамиздан хотиржамликни ўғирлаган коронавирус дунёни, даврни ўзгартирмоқда. Пандемия рақобат, иқтисод ва сиёсат каби нисбийликлар моҳиятида туб ўзгаришлар ясади: энди янгича қараш, янгича иш услуби, янгича бошқарув тизимига ўтиш вақти келганини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан, олий таълим тизими, ўқинишга қабул қилиш имтиҳонлари ҳам муҳитга мослаштирилди. Хусусан, яқин тарихда илк бор 2 сентябрь кунги Ўзбекистон бўйлаб очик стадионларда, қатъий карантин қоидаларига асосланган ҳолда имтиҳонлар бошланди.

Маълумот ўрнида: тест синовларининг биринчи кунда 118 минг 500 абитуриент қатнашиши кутилган, ammo улардан 6 минг 312 нафари имтиҳонга келмаган. 59 киши четлаштирилган бўлиб, улардан 5 нафари бошқа кишининг ўрнига киришга уринган, 4 нафар абитуриент иссиғи борлиги сабаб имтиҳонларга киритилмаган.

Хўш, вилоятимиздаги олий таълим даргоҳларида вазият қандай, ижодий ва тест имтиҳонлари қандай тартибда ўтказилмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш учун тегишли таълим даргоҳлари раҳбарлари ва имтиҳон топширган абитуриентлар билан болландик.

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ: ЎРГАНИШГА АРСИЙДИГАН ТАЖРИБАЛАР КўП

Кейинги йилларда Юқори Чирчиқ туманида қўшма кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, маҳаллий бюджет тушумларида кичик бизнеснинг улуши тобора ошиб бормоқда.



Биргина жорий йилда туманда 544 та кичик бизнес субъекти янгидан ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, пандемия кийинчиликларига қарамай, ўтган 6 ойда уларнинг

230 дан ортиғи ўз фаолиятини бошлади. Инқирозга қарши кўрилган чора-тадбирлар, хусусий бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида биринчи ярим йиллик

да бюджет тушуми 97 миллиард 492 миллион сўмга, яъни 101,6 фоизга бажарилди.

Шу сабабли, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар ҳокимлари туман тажрибаси билан яқиндан танишиш мақсадида ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларида бўлишди. Шунингдек, туманда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўздан кечиришди.

Меҳмонларга дастлаб Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган «Йиқ ота» зиёратгоҳида яратилган шароитлар, зиёрат туризмини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг гуруҳ аъзолари ҳудуддаги саноат лойиҳалари, жумладан, 250 нафар аҳоли иш билан таъминланган, санитария-гигиена маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона фаолияти билан танишишди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ ва ҚИБРАЙ туманлари аҳолисининг пойтахт марказига етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради.

Бунга сабаб, Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темур кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 км қисми 6 қаторли қилиб, чорраҳаларда эса йўл 92 метргача кенгайтирилди.

Қайд этилишича, бу Аҳмад Дониш, Амир Темур, Боғишамол каби кўплаб кўчалардаги тирбанд-

ликни камайтиради. Янги трассада бир кунда 60 минггача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.



ЗАНГИОТА тумани жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан тумандаги ҳарбий қисмда "Сен - қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ҳарбий зиматчилар ўртасида спортнинг тош кўтариш, югу-

риш, арқон тортиш, турник, шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Шунингдек, "Заковат" интеллектуал ўйини ҳам ўтказилди.



"Пахта - 2020" йиғим-терим мавсуми бошланиши олдида ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани Фавкулдада вазиятлар бўлими томонидан "TST cluster" масъулияти чекланган жамиятига қарашли пахта ниҳоллари қабул қилиш пунктлари ҳамда пахта тозалаш корхонасида ёнғинни ўчириш бўйича амалий тактик ўқув машғулотни бўлиб ўтди.

Тадбирда ушбу масканлардаги мавҳуд ер ости сув гидрантлари ва сув ҳовузлари синаб кўрилди. Машғулотни ўтказишдан асосий мақсад - мавсум пайтида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа турдаги фавкулдада вазиятларга тайёр туриш



ҳамда ходимларнинг кўникмасини оширишди.

Йиғит-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ОЛМАЛИҚ шаҳар ҳокимлиги, Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ёшларни пойтахтдаги "IMZO" компаниясига экскурсияси ташкил этилди.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишган 40 дан зиёд йиғит-қизларнинг 90 фоизи компанияга ишга жойлашиш истагини билдирди.

Ҳозирда ёшларни ишга жойлаштириш бўйича ҳужжат расмийлаштириш жараёнлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

## Пандемия шароитида мактабларда анъанавий таълим жараёни қай тарзда ташкил қилинади?

АОКА ҳузуридаги штабда бўлиб ўтган брифингда Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби Лайло Рустамованинг маълум қилишича, панде-

\* Унга кўра, дарс машғулотлари эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 17:30 гача ташкил қилинади.

\* Болаларнинг бир вақтда тўпланиб қолишларининг олдини олиш мақсадида дарсларнинг

бошланиши табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 2-саҳифада)



**Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ,**  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, профессор:



– Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси бўлиш истигадиги абитуриентлар учун касбий

да билимларини синашди. Синовлар кенг жамоатчилик кузатуви остида шаффоф ҳолатда бўлиб ўтди. Албатта, энг лойиқ абитуриентлар талабаларимиз сафига қўшилиши.

Маълумот ўрнида таъкидламоқчиман, айни пайтда филиалимизда нафақат Ўзбекистон, балки Қозоғистон, Россия Федерациясидан келган ёшлар ҳам "Кончилик иши", "Металлургия" ҳамда "Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш" йўналишларида

дислик графикаси", "Муסיқа таълими", "Жисмоний маданият" ҳамда "Мактабгача ва бошланғич таълимда спорт тарбиявий иши" йўналишлари бўйича амалий имтиҳонлар ўтказилиши белгиланган. Куни кеча карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалий имтиҳонлар ўтказилди. Имтиҳон ўтадиган ўқув биноси дезинфекцияланди, барча абитуриентлар антисептик воситалар билан таъминланди.

Шунингдек, имтиҳонлар шаффоф ўтишини таъминлаш, қолаверса, ота-

**Наргиза АДҲАМОВА,**  
абитуриент (22 ёшда):



– Мен Тошкент тиббиёт академиясининг "Педиатрия" йўналишига ҳужжат топширгандим. 3 сентябрь кuni имтиҳонда қатнашдим. Очиғи, жуда ҳаяжонда эдим. Тест китобчасини қўлимга олган, анча тинчландим. Саволлар мен ўйлаганчалик қийин эмас экан. Яхши тайёрланган эдим, барча тестларни еча олдим. Энди жавобини ҳаяжон билан кутаяман.

Имтиҳонга қаттиқ текширув билан киритилди. Ортиқча буюм олиб кириш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирилган эди. Шундай бўлсада, бир қиз "шпаргалка"сини ўз ихтиёри билан назоратчиларга берди ва фойдаланмаганини айтди. Аммо, барибир имтиҳондан четлаштирилди...

**Чарос ТУРҒУНБОЕВА,**  
абитуриент (18 ёшда):



– Биринчи марта бундай катта имтиҳондан ўтдим. Тўғриси, бир неча ойдан бери жуда қаттиқ тайёрландим. Ўзимга ишонаман, наниб қилса грант асосида ўқишга киришам. Сабаби, саволлар анча осон эди.

Шароитларга келсак, ҳаммаси аъло даражада ўтди. Бизни оралиқ масофани сақлаб, секторларга бўлиб киритишди. Ҳароратимизни ўлчагач, ниқоб, қўлқоп ва кепка беришди.

**Мадина АБДУСАМОВА**  
Тошкент ҳақиқати / суҳбатлашди

# Олий таълим: ИМТИҲОНЛАР қандай ўтмоқда?

(ижодий) имтиҳонлар бошланди. Бу йилги касбий (ижодий) имтиҳонлар жорий йилнинг 3 сентябридан 18 сентябрь санасига қадар ҳудудлар кесимида ўтказилади. Дастлабки кун андижонлик абитуриентлар ўз касбий маҳоратини санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда синовдан ўтказишди. 4 сентябрда эса бухороликлар касбий (ижодий) имтиҳонларни топширишди.

Имтиҳон ўтказиладиган аудиторияларга камералар ўрнатилган ва жараёнлар тўлиқ ёзиб борилмоқда. Назоратчи сифатида ОАВ ходимлари, депутатлар ва Ёшлар иттифоқидан фаоллар тақлиф қилинган.

**Фарҳодбек УМАРОВ,**  
Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ шаҳри филиали директори, техника фанлари доктори, профессор:

– Биз 20-22 август кунлари республикада биринчи бўлиб қабул имтиҳонларини очик майдонда ўтказдик. Абитуриентлар "Математика", "Физика", "Информатика" ҳамда рус тили фанлари бўйича ёзма тарзда уч кун давомида Олмалиқ шаҳридаги "Металлур" спорт мажмуасининг футбол майдони-

таҳсил олишмоқда. Жорий йилда сифатли ва чуқур билим олиш, жумладан, масофавий таълим бериш учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

**Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,**  
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби:

– Жорий ўқув йили учун институтимизга жами 36 мингдан зиёд абитуриент ҳужжат топширган. "Тасвирий санъат ва муҳан-



оналар жараёнларни кузатишлари учун институт расмий сайтыда имконият яратилди. Ижодий имтиҳонлар кузатувчилар томонидан назорат қилинмоқда. Бундан ташқари, Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам жараёнларни кузатиб бормоқда.

## Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ўтказилаётган тест синовлари тўғрисида 2020 йил 3 сентябрь кuni якуни бўйича маълумот:

- Тест синовларида бир кунда иштирок этиши режалаштирилган 117 минг 919 нафар абитуриентдан 112 минг 103 нафари – 95,1 фоизи қатнашди;
- 6 нафар абитуриентнинг тана ҳарорати 37° С дан юқори бўлганлиги сабабли, уларга имтиҳонда иштирок этишга рухсат берилмади;
- Жами 5 минг 695 нафар абитуриент тест синовида келмади;
- 40 нафар абитуриент ҳудудга кириш жойида: 28 нафари телефон, 3 нафари шпаргалка, 9 нафари бошқа абитуриент ўрнига кирмоқчи бўлгани учун четлатилди;
- 75 нафар абитуриент имтиҳон жараёнида:
- 62 нафари телефон ва электрон қурилмалар;
- 7 нафари шпаргалка;
- 4 нафари тест материалларини олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилгани;
- 2 нафари бошқа шахсининг ўрнига киргани учун четлатилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## МАКТАБЛАРГА ДЕЗИНФЕКЦИЯ ВОСИТАЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ТОМОНИДАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Ижтимоий тармоқларда пандемия шароитида мактаб фаолиятини ташкиллаштириш учун ўқитувчилардан талаб этилаётган турли санитария-гигиена восита-

лари акс этган рўйхатлар тарқалмоқда. Мазкур хабарлар юзасидан Халқ таълими вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади:



асаларига ёрдам кўрсатиши ташкил этиш ва мувофиқлаштириш маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Шу сабабли мактабларда таълим жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган дезинфекция воситаларининг бирортаси ҳам ўқитувчилар томонидан харид қилинмаслигини, ота-оналар эса фақатгина фарзандининг санитария-гигиена қоидаларига риоя этиши учун тиббий ниқоб ва шахсий антисептиклар билан таъминлашни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёрларлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда уларни ҳудудларга етказиш бўйича мутасадди вазирликларга топшириқлар берилди. Мактабларни дезинфекция ва

антисептик воситалари билан таъминлашга эса вилоят ҳокимликлари масъул этиб белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълиминини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ халқ таълими муассасаларини қўллаб-қувватлаш, хусусан, тегишли ҳудудда умумтаълим муас-

асаларига ёрдам кўрсатиши ташкил этиш ва мувофиқлаштириш маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Пандемия шароитида умумтаълим мактабларига пирометр, дезинфекция воситалари, дозаторлар ҳамда антисептиклар марказлашган ҳолда етказиб берилди.

Мактабга кираверишда тиббий ходимлар томонидан "Эрталабки филтрлаш" бўйича махсус пункт ташкил этилиб, тегишли журнал юритилади.

раёнидан сўнг ўқувчилар кириш жойларида ўрнатилган махсус диспенсердан антисептик восита ёрдамида қўлларини зарарсизлантирадилар.

Ўқитувчилар ҳароратини контакtsiz пирометр ёрдамида ўлчайдилар.

Юкумли касалликлар белгилари бўлган ўқувчилар тез ёрдам тиббий гуруҳи ёки ота-оналар келгунига қадар изоляция қилиниши шарт.

\*\*\* "Эрталабки филтрлаш" жа-

Тиббий ходимлар ўқувчилар ва

## Пандемия шароитида мактабларда анъанавий таълим жараёни қай тарзда ташкил қилинади?

1-4-синфлар мактабга соат 08:00 гача, 5-8-синфлар соат 08:30 гача ҳамда 9-11 синфларнинг келиши соат 09:00 гача алоҳида эшиклардан ижтимоий масофа сақлаб, тана ҳароратини ўлчаган ҳолда амалга оширилади.

Дарслар "Синф системаси"да, яъни, барча дарслар бир синф учун бир хонада олиб борилади.

Бошланғич синф ўқувчилари синф раҳбарлари томонидан мактабнинг асосий дарвозаси ёнида кутиб олинади ҳамда кузатилади.

Ота-оналарнинг мактабга кириб чиқиши тақиқланади.

Дарслар ораллигидаги таълим вақтида кўнғироқ чалинмайди, синф хоналари кўчадаги ҳаво ҳароратидан келиб чиққан ҳолда шамоллатиб борилади.

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ: ЎРГАНИШГА АРЗИЙДИГАН ТАЖРИБАЛАР КЎП



Бундан ташқари, интенсив усулда мева-кўчатлар етиштирувчи фермер хўжалигида, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги қайта таъмирдан чиқарилган миллатлараро маданият саройида бўлиб, турли касб-хўнарга ихтисослашган тўғрақлар фаолиятини кўздан кечиришди.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида эндигина иш бошлаган теннис спорт комплекси, меҳнат қаҳрамони Хван Гим музейи иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Гуруҳ аъзоларига, айниқса, байрам муносабати билан

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



## «Майсак» тўфони Японияга хавф солди

«Майсак» тўфони Японияда юқори даражадаги иссиқ ҳароратни келтириб чиқарди. ННҚ телеканалнинг хабар беришича, 3 сентябрда Хонсю оролидаги Ниигата префектурасидаги Сандзё шаҳрида ҳарорат 40,4 даражагача кўтарилган. Маҳаллий метеорологларнинг таъкидлашича, бунгача сентябрь ойида бундай юқори ҳарорат қайд қилинмаган.

## Яна 60 та сунъий йўлдош орбитада АҚШнинг SpaceX компанияси Starlink ин-тернет тармоғини шакллантириш учун мўлжалланган навбатдаги 60 та сунъий йўлдошни орбитага чиқарган.

Маълум қилинишича, сунъий йўлдошлар орбитага Falcon 9 ракетаси ёрдамида чиқарилган. Парвоз Флоридадаги космодромдан амалга оширилган. Парвоз стартидан 9 дақиқа ўтиб ракетанинг биринчи поғонаси Атлантика океанидаги платформага қўнган.

## 50 та пуфақда парвоз

Америкалик 47 ёшли фокусчи Блейн осмонга Ақтарилуш учун гелий билан тўлдирилган 50 та турли ўлчамдаги пуфақдан фойдаланган. Фокусчи Аризонадаги чўл устидан учиб ўтиш вақтида 7,5 км. баландликка кўтарилган ва сўнгра ерга парашютда тушган. Блейн ҳавога кўтарилуш вақтида парашютсиз бўлган. Парашют пуфақлардан бирининг ичида бўлган. Фокусчи уни 3 минг метр баландликда тақиб олган.

## Байрут портида яна портловчи модда топилди

Телеканал манбаларининг маълум қилишича, Божхона хизматчилари Байрут портидан яна бир неча тонна портловчи кимёвий модда топилган. Портода бу қоплар борлигидан божхоначилар беҳабар бўлган. Кимёвий модда топилгандан кейин ҳарбийлар уни йўқ қилиш учун тезкор чоралар кўрган. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

# Маҳаллий матбуот саҳифаларида

## ПАРКЕНТ ТОНГИ

Одамзот Ватани борлиги учун бахтли. Айниқса, озод, обод, тинч, осойишта ўлкада яшаш, унинг ҳар бир фароғатли кунига, саодатли лаҳзаларига шукрона айтишдан ортиқ бахт борми?! "Паркент тонги"нинг 36-сонида Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан турли соҳа вакилларининг туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирлангани баён этилган. Тумандаги 36-мактаб мустақиллик билан тенгдош экан. Билим даргоҳининг қўлга киритган ютуқлари ҳам салмоқли. Газетанинг 7-саҳифасидан турк адаби Азиз Несининг "Агар...", "Ибратли тасодиф", "Масхарабоз", "Жўрвоз бўлиб" каби хикоялари ҳам ўрин олган.

## "Пенсиянгиз ошди, хабарингиз борми?" дея "суянчи олади" "Пискент ҳаёти". Бирок, 1-гуруҳ ногирони, 37 ёшли Дилмурод Жўраевни нафақа пули сира қизиктирмайди. Жисмоний имкониятлари чекланган бўлсада, уйғок қалби, ўткир ақлу салоҳияти унга оёқ ва қўл. Дилмурод хатто ўз эҳтиёжларидан орттириб маҳалладошларига ёрдам ҳам қилади.

**ХАЛҚ ОВОЗИ**  
"Халқ овози" газетасида Бўка тумани ҳокими Н. Аббосовнинг туманда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан учрашиб, бизнес соҳа вакиллари уйлантираётган муаммоларни ўргангани, шунингдек, уларга амалий, ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар бергани ёритилган. Бу ҳақда "Ҳоким ва тадбиркорлар учрашуви" мақоласида батафсил ўқийсиз. Шунингдек, "Лицензиялаш соҳасида ислохот" мақоласи тадбиркорларни нималар кутаётганидан воқиф этади.

## PISKENT hayoti

**BEKOBOD OVOZI**  
"Янги ўқув йилининг қачон бошланиши аниқ бўлди", дейилади "Бекобод овози"нинг 34-сониде. Тумандаги мавжуд 58 та умумтаълим мактаби миқёсида ўтказилган ота-оналар иштирокидаги ижтимоий сўровномада қатнашган 27 минг 994 овознинг 23 минг 84 таси анъанавий, 4 минг 910 таси онлайн тарзда ўқитиш таклифини билдирган. Хўш, мактабларга қўйиладиган санитария талаблари қандай? Бу ҳақда ҳам газета хабар қилади.

**Ривоят қилишларича,** Бағдодда катта меросга эга бир одам бор эди. Қисқа вақтда шунча бойликни елга совурди; йўқсил ва муҳтож ҳолга келди. Мероснинг – молнинг вафоси йўқ – инсонга фойда бермай ўтиб кетади. Зеро, уни ҳеч заҳмат-машаққатсиз қўлга киритган эди.

Меросхўр танг аҳволда қолган, кўл очиб Аллоҳга ёлвора бошлади. Бир неча кун дуо-илтижолар қилган, ниҳоят бир кечаси тушида: "Ризққа эришмоғинг учун Мисрга боришинг керак, у ерда катта бир хазинага эга бўласан", дейилди. Одам уйғонган, ҳеч вақт ўтказмай Миср йўлига равона бўлди. Бу узоқ масофа уни қийнаб қўйди. Оч, чанқоқ, чарчаган эди. Бир неча кун паришон ҳолда Миср кўчаларида тенгираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Ниҳоят, тиланчилик қилишга қарор қилди. Уялгани

учун кечаси тиланарди. Иттифоқо, ўша кунлари Қоҳирада ўғрилар кўлаиб қолишган эди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри деб ўйлаб роса калтаклади. Шунда укувсиз тиланчи, бечора йўқсил: "Илтимос, урма. Мен ўғри эмасман. Сенга ҳақиқатни айтаман!"

Миршаб унинг тўғри гапираётганига ишонди ва:  
– Ҳой аҳмоқ, сен қандайин ақлсиз одамсанки, бир тушга ишониб, хаёлга берилсан, шу ерларга қадар келибсан. Мен неча йилдири Бағдодда, фалон маҳалланинг фалон кўчасидаги уй-

бўлса-да ризқинг келиб турган жойингнинг шарт-шароитига, иссиқ-совуғига, яхши-ёмони, оғир-енгилига кўнглин, сабр-қаноат қилгин. Агар бу шарт-шароитларни ёқтирмай, иссиқ ўрнингни ташлаб, кўнимсизлик, қаноатсизлик қилиб, яхшироқ ерни қидириб кетсанг, барибир (ҳамиша ҳам) кадр-қиммат

тополмайсан. Негаки, ҳар бир ернинг ҳам тошу тарозуси, яхши ва ёмон жиҳатлари, қийинчиликлари, камчилик ва нуқсонлари бўлади, бўлмай иложи ҳам йўқ. Бинобарин, ўз ерингни тарк этмай, сабр билан ҳаракат қилсанг, шундайлигингча қолиб кетмайсан, бир ризқ эшиги очилгай каби

**Шанба мутолааси**

маънолардаги панд-ўғитлар беради доно халқимиз.

Дарҳақиқат, инсон баъзан хом хаёл ордидан қувлашдан ўзини тилмайди. Кимлардир қўлидаги имконият, уйи ичидаги хазинадан беҳабар юртма-юрт кезади, аниқроғи сарсоню саргардон юради.

Ҳикояда англатилгани каби баъзан жуда яқиндаги неъмат ва имконларга неча заҳмат ва қийинчиликлардан сўнггина эришилади. Нима деймиз? Бу ҳам бир омад, ҳеч йўқдан яхши.

Бу ҳикоя куйдагича ҳам тушунилиши мумкин: Аслида хазина бир маъжоздир. Ва ёхуд асл хазина ўзимиздадир. Ўз ичимиздаги хазинага етишмоқни мақсад қилишимиз керак. "Бир мен бордир менда мендан ичкари" сирини бу хазинага ишорат этади.

Ҳазрат Навоий эса бундай ёзади: **Ўз вужудингга тафаккур айлағил, Ҳар не истарсан, ўзингдин истағил.**

*"Маснавий ҳикоятларидан дарслар" китобидан*

**Ҳар не истарсан, ўзингдин истағил...**



дея дод-фарёд солди.

– Қани айт-чи унда, кечанинг бундай вақтида бу ерда нима қидираясан? – деди миршаб. – Балки бегонадирсан. Аммо, ёлгон гапира кўрма, менга тўғриси айт!

Одам қасамлар ичиб, бошидан ўтганларни тушунтира бошлади:

– Мен на ўғри, на киссаурман, бир ғариб бағдодликман, – дея кўрган туши ва қидираётган хазина ҳақида айтди.

нинг фалон жойида бир хазина яширинганини тушимда кўраман. Шунга ишониб бўларканми? Қани, тезроқ бу ердан туёгингни шиқиллат. Йўқса кўлимдан кутуллолмайсан, – деди.

Бу гапларни эшитган одамнинг севинчи ичига сизмас, чунки миршаб таърифлаган уй Бағдоддаги уйининг худди ўзгинаси эди. Жон ҳолатда Бағдодга қайтди.

Қиссадан ҳисса шуки, яшаб, ишлаб, ҳаётингни ўтказиб турган, оз

**Уммондан дурлар**

**Абу Райхон Беруний**

**Шарқда илк Уйғониш даврининг қомусий олимларидан бири Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний 973 йил 4 сентябрда таваллуд топган.**

Улғу ватандошимиз умумжаҳон табиий-илмий ва ижтимоий фанлар ривожига катта таъсир кўрсатган буюк ақл-заковат соҳиби бўлган. Унинг дунёқараши Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошида Марказий Осиёда ривожланган феодализм қарор топаётган гоёт мураккаб, жўшқин воқеаларга бой тарихий вазиёда шаклланди. Биринчи устози Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ уни Эвклид геометрияси ва Птолемей асарлари билан таништирди. Шунингдек, Ибн Ироқ унга Хоразмининг турли шахарларидаги мадрасаларда машҳур устозлардан таълим олишга яқиндан ёрдам берган.

Абу Райхон Беруний астрономия, астрология, фалсафа, математика, физика, геодезия, геология, фармакогнозия, минералогия, тарих, адабиётшунослик, таржимонлик, лугатшунослик каби соҳаларда тадқиқотлар олиб бориб, баддий асарлар яратиб буюк самараларга эришди. У 150 дан зиёд бебаҳо асарлар ёзиб қолдирди. Бизгача улардан 30 дан ортми етиб келган.

**Буюк алломадан ҳикमतлар**

- Илм даргоҳига қирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкўзликнинг қўли бўлишдан овоз бўлмоғи даркор.
- Яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиби бўлиши лозим. Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади.
- Одам ҳамиша бошқаларга яхшилик кўрсатиши керак. Агар яхшилик қилиш имконига эга бўлмаса, яхши тилаклар изҳор этсин.
- Ҳар бир олим ўз муҳоқамасида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдирма, юзакчиликка қарши кураш олиб бориши зарур.
- Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат: шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади.

**ДИҚҚАТ!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион ([www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz)) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони
1	Универсам дўкони биноси	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	НГМК Жанубий кон бошқармаси	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	1 594,0	24 ой	23

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 22 августдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни [www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz) сайти орқали олиш мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** (95) 340-80-10, 71-293-90-59.

**E-mail:** [toshvil@davaktiv.uz](mailto:toshvil@davaktiv.uz)

**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz), [www.toshvil.uz](http://www.toshvil.uz)

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқландиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95)534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилина!**

**ДИҚҚАТ!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион ([www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz)) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони
1	Эски ҳаммом биноси	Оҳангарон тумани, "Гўшт-сой" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	20,0	6 ой	2

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 22 августдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни [www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz) сайти орқали олиш мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** (95) 340-80-10, 71-293-90-59.

**E-mail:** [toshvil@davaktiv.uz](mailto:toshvil@davaktiv.uz)

**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz), [www.toshvil.uz](http://www.toshvil.uz)

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқландиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95)534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилина!**

**"SERGELI KREDIT" МЧЖ**

**Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси**

(минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Ассий воситалар	22396,2	18294,8	Устав капитали	500000,0	500000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	82450,8	101612,7
4	Товар-моддий захиралари	7058		Тақсимланмаган фойда	2857804,8	3254478,9
5	Дебиторлар	590123,7	532861,9	Мақсадли тушум ва фондлар	647581,7	263543,6
6	Пул маблағлари	240582,8	517578,5	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қисқа муддатли инвестициялар	3225820,0	3050900,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар	1856,6		Жорий мажбуриятлар		
	Жами, активлар	4087837,3	4119635,2	Жами, пассив	4087837,3	4119635,2

**Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	2783069,2	3075037,2
Сотилган маҳсулотлар таннари		
Маҳсулот сотишдан тушган ялғи фойда	2783069,2	3075037,2
Давр харажатлари, жами	510151,6	690249,7
Ассий фаолиятнинг бошқа даромадлари	602780	680670
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	2875697,6	
Фозилар шаклидаги харажатлар	0,0	0,0
Даромад солиғи тулағунга қадар фойда	2875697,6	3065457,5
Даромад (фойда) солиқ	403266,8	368783,2
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	2472430,8	2696674,3

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари шаклидаги "TRANS-AUDIT-A" ООО аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, журналист Асрор Сулаймоновга волидаи мухтарамаси **МУКАМБАР** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Собиқ Янгийўл академик лицейи томонидан 2016-2017 ўқув йилида "Хорижий филология" йўналиши бўйича Расулова Шириноя Нодир қизи номига берилган Л №-313520 рақамли "Академик лицейни битирганлик тўғрисида"ги диплом бланкаси яроқсиз ҳолга келгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ДИҚҚАТ!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион ([www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz)) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қўйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган энг кам миқдори (сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони
1	Тикувчилик цехи биноси	Оҳангарон тумани, "Тут" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	43 062 000,0	0	0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 22 августдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни [www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz) сайти орқали олиш мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** (95) 340-80-10, 71-293-90-59.

**E-mail:** [toshvil@davaktiv.uz](mailto:toshvil@davaktiv.uz)


**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz), [www.toshvil.uz](http://www.toshvil.uz)

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқландиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95)534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилина!**

# Туризм: Ўстонликқа Борсангиз агар...



Президентимизнинг 2020 йил 27 августдаги "Ўстонлик туманида бошқаруving алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизматлар турлари кенгайтирилиб, сифати оширилади.



## СПОРТ янгиликлари

### Рейтинг сардорлари ўзимиздан

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) боксчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилди. Унга кўра, рейтингдан олти нафар Ўзбекистонлик боксчи ўрин олган. Жумладан, Муроджон Аҳмадалиев иккинчи энгил вазн тоифасида (55 кг.) чемпион сифатида қайд этилган. Шунингдек, у IBF йўналиши чемпиони ҳам ҳисобланади. Биринчи ярим ўрта вазн тоифасида (63 кг.) жанглари олиб бораётган икки боксчимиз – Шаҳрам Ғиёсов олти, Шоҳжаҳон Эргашев эса еттинчи погонани эгаллаб турибди. Биринчи ўрта вазн (69 кг.) тоифасида Исроил Мадримов август ойида Эрик Уолкер устидан қозонган галабасидан сўнг биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрта вазн тоифасидаги боксчимиз Бектемир Меликузиев (76 кг.) эса 15-ўриндан 14-ўринга кўтарилиди. Ярим оғир вазн тоифасида (79 кг.) Рустам Тўлаганов 14-ўринга лойиқ қўрилди.

### "Пахтакор" пешқадам

«Локомотив» стадионида Ўзбекистон чемпионати Суперлиганинг 13-тури доирасида «Андижон» – «Пахтакор» учрашуви бўлиб ўтди. Учрашунинг 20-дақиқасида Игор Сергеев ҳисобни очди. 42-дақиқада тўп андижонликлар ҳимоячиси кўлига теккани учун белгиланган 11 метрлик жарима зарбасидан Драган Черан аниқ фойдаланиб, мавсумдаги 13-голини киритди – 2:0. Ушбу галаба эвазига Шота Арвеладзе жамоаси турнир жадвалидаги оқолари сонини 34 тага етказиб, пешқадамликни мустаҳкамлади. «Андижон» эса ҳали галаба қозонмаган ягона клуб сифатида 6 очко билан 13-ўринда қолди. Шунингдек, 13-турда «Насаф» «Локомотив» дарвозасига жавобсиз 4 та тўп киритди. Галабадан сўнг «Насаф» оқоларини 23 тага етказиб, 3-ўринга кўтарилиб олди. Қаторасига туртинчи мағлубиятга учраган «Локомотив» эса 12 очко билан 10-поғонада бормоқда.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотига кўра, ҳудудда чиқиндилардан тозалаш ишлари олиб



борилиб, ҳозиргача 1 минг 382 метр квадрат ерлар тозаланди, 23 минг 200 га яқин дарахт ва гул қўчатлари экилди. Ҳимоя тўсиқларининг 4 минг 275 метри оқланди. Қолаверса, бу ерга келувчиларга янада қўлай бўлиши учун магистраль автомобиль йўллари 1 минг 300 кв. метр майдонда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, пиёдалар учун мўжалланган 2 минг 201 метр йўлақлар қўрилди. Бугунги кунда меҳмонхона ва дам олиш зоналари "Хавфсиз туризм" дастури асосида сайёҳларни қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилди. Ҳозир шундай объектлар сони 132 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 455 та "Оилавий меҳмон уйлари" хизмат кўрсатмоқда. Мазкур сайёҳаракатлар ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлаб, даромадини оширишга ёрдам беради. **Ўз мухбиримиз**

## Менинг Ўзбекистоним

Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўрғазмалар залида "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида "Менинг Ўзбекистоним" номли кўрғазма очилди.



Экспозициядан таниқли ҳамда ёш rassomларнинг турли жанр ва йўналишларида, рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, декоратив, амалий ва заргарлик санъати асарлари ўрин олган. Турли миллат вакиллари томонидан тақдим этилган 250 дан ортиқ ижод намуналаридан мамлакатимиз табиати манзаралари, замин неъматлари, ҳаётимиз ва турмуш тарзимизнинг турли қирралари, тарихий ёдгорликларимиз, бунёдкорлик иншоотлари, тураржойлар, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли дақиқалари акс этган. Айниқса, кўрғазмадан ўрин олган Тошкент вилоятининг бетакрор табиат манзаралари тасвирланган "Тошкент атрофи", "Чорвоқ денгизида тонг", "Чорвоқ оқшоми", "Уғом дарёси. Хумсон", "Хумсон. "Кристал" дам олиш маскани", "Сўқоқ, Куз", "Сўқоқ, Лолалар", "Куз. Паркент" каби ижод намуналари томошабинларни безътибор қолдирмайди, уларни табиатга янада яқинлаштиради. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Кўнги битиклари

Рўйи жаҳонимга Куз келди. Мен кузни беҳад яхши кўраман. Кўндан кўп сирларимни айтаман унга. Куз менинг жонажон дўстимга, яқин қариндошимга, ҳатто энг ишонган инсонимга ўхшайди. Баъзан кўнги одамлардан зада бўлади. Қалбингни, ҳисларингни, дардларингни тушуна олмаётганларидан, азобларингни ҳис қила билмаётганларидан, лекин ўзингга бировнинг муаммоси, даққиси, дашномлари оғир ботаётганидан қочаркансан бу одамзордан ҳам. Албатта-да, меҳринг эвазига малол, эзулигинг эвазига эгрилик кўрсанг, ҳожатбарорлигинг эвазига ҳақорат эшитсанг, ўз-ўзидан қочгинг, тезроқ бирон хилватга яшириниб олгинг келаркан. Ва ўша хилватгоҳда ўз-ўзингни аста-секин тафтиш қила бошларкансан. Эсимда, мен ҳам бировларнинг кўнглини ранжитганман. Эсимда, осмонларда учиб, ўзимдан кетганман ҳам. Шубҳасиз, сенга-да ўша гуноҳларингнинг жавоби қайтаркан. Одам зотидан эмасманми, оғир ботиб кетаркан ўзгалардан кўнги, эшитганинг, алхусус, булар аслида қайтар жавоблар эмасмиди? Ўзингга ҳам урчи шу пичоқни дегани эмасмиди? Қани, юрагинг оғримасмикан, дегани эмасмиди?.. Яхшиямки, дейман, яхшиямки бу фаний дунёда Яратганинг гўзал, бир-биридан бетакрор неъматлари бор. Яхшиямки, шулар бор! Йўқса, инсон инсонлардан топа олмаган меҳру зиёни, қалб кўри жиловини, ғамларининг малҳамини қаерданам топарди? Кимгаям айтарди? Жуда саноқли, кам севгиларни кўрдим мен. Билмадим, ҳамманинг қаричи тенг

эмас дунёда лекин. Хуллас, ўзимнинг ҳазин, эзгин, инжа дунёимга қайтиб кираман – мен Кузни севаман, мен Кузни севаман! Ҳайратга тўла оламин сарҳадларидан буюк муҳаббатимдан чечаклар униб чиқади, чексиз фазо бўйлаб оқушлар парвоз қилади, мен уларга қўлларимни чўзаман ва негадир қўлларим оқушларга ета оламан юпун боғлар томон тортқилайди, ҳеч кимга ва ҳеч нимага бўйсунмайман, фақат шу оёқларимга итват этаман, зотан менинг исми Бекорор, қарорсиз, сўзсиз, тиланчиси одимларим ихтиёрига топшираман ўзимни. Кибру ҳавоси юксак орзулаган шаҳрим қадамларимни малол олади, унга менинг ҳақиқатларим мос келавермайди, ури-

Ванинг-да шу жунун руҳимни, дарбадар вужудимни яхши кўришини, келсам суюниб, соғиниб қарши олишини, истиқболимга меҳр тўла нигоҳларини тортиқ этганча, мўлтираб, изиллаб, совқотиб кутиб олишини яхши биламан. Биз шундай бир-биримизни сўзсиз, соқовлардек тушунамиз, туйғуларимизни чуқур иззат-икром қиламиз...

## Суйганим – куз, соғинганим – куз.. Эссе

ди, она замин кучоғига эркаланиб бош қўяман, намхуш тупроқдан, кузак шудринглари кўнган, намлаган тупроқ испарини тўйиб-тўйиб сипқораман, яхши кўриб кетаман шу тупроқни жуда, сўнг озод, бетизгин тойчоқлардек кен-катта яйловлар томон чопиб, ўйноқлаб кетаман, саҳий табиат неъматларидан баҳра олмақни истайман, ҳаётни, бутун борлиқни жону дилим билан, бағримга қаттиқ босганча суймоқни истайман! Хўш, мен кимман шунда? "Бекорор!.." "Ошику Бекорор!.." Индамайман, жимман, қадамларим қадрдон тутинганим – ташландик, ҳоли абгор ва ҳеч кимса йўқлаб бормайди-

шиб-талашиб кетаман у билан, демак, майлларимиз, табиатларимиз муносиб келмайди у билан, шунинг учун ҳам кўп чиранмайман, майли-да, кимгадир ёқмаслигимиз мумкинку ахир, аслида ёқиш у қадарлик орзу-тилагим ҳам эмас мен учун, бас, шундай экан, ёқимсиз ва ёқтирмас такаббур бинолардан олиб қочаман руҳи озодимни, биров суймас, бахтиёрлар ўзларини муносиб кўрмаган ҳазон тўла, ҳазон хидлари тўла дарахтзорларга, совқудан дийдираган боғларга қараб йўл оламан, зотан мен кузни, шу яланғоч, мурдадек дарахтларни, тиланчига ўхшаб кўл чўзаётган хўр япроқларни, заъфарон боғларни қаттиқ севаман!

Умрим бўйи одамлардан қочаман, сохта, совуқ қалблардан қочаман. Ўзимни сатҳи сарик, япроқлари сарик, ҳўл бўлса-да, қалби кўри иссиқ, музламаган боғларим томон етаклайман. Бу менинг севгим, соғинчим инъом этган куз суратлари, эҳсонлари ва муруватларидир. Инсон учун меҳрни, муҳаббатни, кароматни, ҳимматни кимдан ёхуд нимадан олишининг нима аҳамияти бор шунда? Ахир, қалб ҳамма вақт ботиний иссиқликка, ёруғликка, кенгликка ташна эмасми ё?! Рўйи жаҳонимга Куз келди. Менинг рўйи жаҳонимга менинг суйганим ва соғинганим – Куз келди! **Қандилат ЮСУПОВА**

**Икки ҳикмат**

Яхши тарбия маҳсули – бу киши ўз қадр-қимматига яраша ўзини тутиб билишидир. Шундай фазилатли кишини ҳар қанақа такаббур одам ҳам иззат қилишга мажбур бўлади.

\*\*\*

Билим инсонга салмоқ, обрў бериши мумкин. Шукӯҳ, маънавий гўзаллик эса фақат тарбиядан.

## Интилиш

Бўқалик Нураҳмад Жўраев "Темур" фермер бўқалигининг бугўдой йиғиб олингандан кейин бўшаган ерларидан ўзига ажратилган бир гектар майдонда дуккакли экинлар экиб парваришлади. Яқинда улардан 600-700 кгдан ҳосил олишни режалаштирмоқда.

## ТОМОРҚАДА ҚОВУН ПИШДИ

Ўзининг шахсий томорқасида эса оиласи билан помидор, картошка, тарвуз ва қовун етиштиради. – Кўп йиллардан бери қовун етиштираман, – дейди Н. Жўраев. – Усиш пайтида деярли ўғитлардан фойдаланмаймиз. Қовунларимиз экологик тоза, ширин ва серсув. Маҳсулотимиз бозорда туриб қолмайди, чаққон сотилади.



Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат

**Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир:** **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Телефонлар:** Қабулхона: (71) 233-64-95  
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10  
Масъул котиб: (71) 233-90-82  
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

**Манзил:** 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Тошкент шаҳридаги офисимиз:** 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.**

Навбатчи муҳаррир **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусахҳих **Аллома АЗИЗОВА**

Навбатчи **Зухриддин РАҲМОНОВ**

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмуджўраев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳнасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Электрон почта:** toshkenthqiqati@mail.ru // tt-tp@inbox.ru

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.00 1 2 3 4 5